

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАР ПОРТФЕЛЛАРИНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КАРАШЛАР

Проф. PhD Мажидов Жамолиддин
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети
«Молия ва бухгалтерия ҳисоби» кафедраси

Сафаров Абдумумин Бобокул угли
Камолиддинович Тошкент Молия Институти
Банк иши ва аудити талабаси
Телефон ракам: (+998930857101)

Дунё мамлакатларида тижорат банкларининг кредит ва қимматли қоғозлар портфелларининг сифатини ошириш, хусусан, кредитларнинг даромадлилиги ва риск даражаси ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, юқори ликвидли қимматли қоғозларга ва корпоратив қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ўртасидаги оптимал нисбатни таъминлаш масалалари илмий асосда тадқиқ қилинмоқда. Аммо, мазкур тадқиқотларда молиявий рисклар даражаси юқори бўлган, банкларнинг активлар портфелларини диверсификация даражаси паст бўлган шароитда активлар портфелининг сифатини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари очиқ берилмаганлиги тижорат банклари активлар портфеллари сифатини ошириш масаласи илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Тижорат банкларининг активлар портфелларини – кредит портфели ва қимматли қоғозлар портфелини бошқаришни такомиллаштириш йўли билан уларнинг сифатини ошириш масаласи хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан илмий асосда чуқур тадқиқ қилинган ҳамда тегишли илмий хулосалар ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Проф. Ж.Синки тижорат банкларининг кредит портфелини сифатини ошириш масаласини тадқиқ қилган ва бир қатор муҳим хулосалар, тавсияларни шакллантирган. Унинг хулосасига кўра, кредит олувчи миқдорнинг пул оқимини таҳлил қилиш кредит рискин пасайтиришда муҳим ўрин тутди ва кредит портфелининг сифатини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Бунда миқдорнинг пул оқимини таҳлил қилиш қуйидаги долзарб саволларга жавоб топиш имконини бериши керак:

– мижознинг соф фойдаси унинг узоқ муддатли қарзларининг жорий қисмини тўлаш учун етарлими?

– компания айнан қанча миқдорда пул маблағлари олади?

– компания ўз операцияларини қандай молиялаштиради?

– компаниянинг жорий ҳолатини раҳбариятнинг қайси ҳатти-ҳаракатлари ёки қайси ташқи таъсирлар белгилайди¹.

Уэрта де Сотонинг фикрига кўра, биринчидан, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини пасайиши бунга қадар фойда келтирмаётган инвестиция лойиҳаларини фойда келтирадиган инвестиция лойиҳаларига айлантиради; иккинчидан, банклар томонидан ихтиёрий жамғармалар билан таъминланмаган кредитлар ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилиши, пировард натижада, инвестиция лойиҳаларининг барбод бўлишига ва берилган кредитларнинг қайтмаслигига олиб келади².

Т.Мазуринанинг хулосасига кўра, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашни ривожлантириш учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим:

– давлатнинг самарали инвестиция ва саноат сиёсатининг мавжуд бўлиши;

– инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган рисклар даражасини пасайтириш имконини берадиган инвестициялар инфратузилмасини ривожланганлиги;

корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш³.

М.Матовниковнинг фикрига кўра, тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга тўсқинлик қилаётган асосий омил бўлиб, банкларда узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал этишнинг оддий ва реал усули бўлиб, ликвидли активларни гаровга қўйган ҳолда Марказий банкдан кредит олиш ҳисобланади⁴.

Г.С.Панованинг фикрига кўра, банкларнинг кредитлар бериш имкониятини ошириш учун, биринчи навбатда, уларнинг депозит базасини етарлилигини таъминлаш лозим. Бунда тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини таъминлаш учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг 30 фоиздан ошишига йўл қўймаслик,

депозитларнинг кредит операцияларига йўналтирилган қисмига нисбатан, Германия банк амалиёти тажрибаларига таянган ҳолда, лимитлар жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Германияда муддатли депозитларнинг 60 фоизи, трансакцион депозитларнинг 10 фоизи кредит операцияларига йўналтирилади⁵.

О.Бланшарнинг хулосасига кўра. Марказий банк монетар сиёсат орқали кредитларнинг фоиз ставкасига таъсир этади ва шу йўл билан пулларга бўлган талабни ва пуллар таклифини тартибга солади⁶.

Мазкур хулоса ривожланаётган мамлакатларнинг банк амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, инфляция даражасининг ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги, молия қонунчилигининг барқарор эмаслиги қимматли қоғозлар бозори конъюнктурасининг динамик ўзгаришини кучайтиради. Бунинг устига, миллий валютада ёзилган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг инфляция ва девальвация таъсирида қийматини йўқотиш эҳтимолининг юқори эканлиги фонд бозоридаги ноаниқликни кучайишига хизмат қилади. Тараққий этган мамлакатларда инфляция ва девальвация муаммоси ҳозирги даврда мавжуд эмас.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш бўйича иқтисодчи олимлар томонидан турли мазмундаги қарашлар билдирилган. Аммо, кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан тижорат банклари кредит портфелининг сифатини оширишнинг қуйидаги йўллари эътироф этилган:

- кредит олувчи мижознинг пул оқимини таҳлил қилиш орқали кредит рисқи даражасини пасайтириш;
- тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини паст ва барқарор даражада бўлишини таъминлаш;
- банклар кредит портфелининг сифати бевосита ташқи омилларга боғлиқ бўлганлиги сабабли давлатнинг инвестиция ва санот сиёсати ҳамда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган рискларнинг даражалари уларнинг кредит портфелини сифатини оширишда муҳим ўрин тутди;
- тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга тўсқинлик қилаётган асосий омил бўлиб, банкларда узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги ҳисобланади;

- банкларнинг кредитлар бериш имкониятини ошириш учун уларнинг депозит базасини етарлилигини таъминлаш ва депозитларнинг кредит операцияларига йўналтирилган қисмига нисбатан лимитлар жорий қилиш керак;
- фонд бозори конъюнктурасини динамик ўзгариши шароитида оптимал қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш ҳар доим ҳам етарли бўлмайди, шу сабабли, тижорат банкига қимматли қоғозлар портфелини шакллантиришнинг такомиллашган стратегиясини шакллантириш зарур бўлади;
- қимматли қоғозларнинг портфель назариясига кўра, инвестор шундай портфелни танлаши керакки, бунда кутилаётган даромадни риск ошмасдан туриб ошиши мумкин эмас ёки аксинча, риск, кутилаётган даромад камаймасдан туриб, камаймаслиги керак;
- тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини 25 фоизли мезон асосида бўлишини таъминлаш кредит портфелининг сифатини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади;
- банклар кредит портфелининг сифатини оширишда трансформация рискига барҳам бериш муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлар учун зарур бўлган узоқ муддатли ресурсларни етарли эмаслиги банкларда трансформация рискинни чуқурлашиб кетишига сабаб бўлди. Ўз навбатида трансформация риски банкларнинг ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради.